

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДАХМЕДОВА ОДИНАХОН ИБРОХИМЖОН ҚИЗИ**

**ТАБИИЙ ТАРТИБ ГИПОТЕЗАСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИ УЧУН  
ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on Philological Sciences**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

<b>Саидахмедова Одинахон Иброхимжон қизи</b> Табиий тартиб гипотезасининг ўзбек тили учун талқини.....	5
<b>Saidahmedova Odinahon Ibrohimjon qizi</b> Interpretation of Natural order hypothesis for Uzbek language.....	25
<b>Саидахмедова Одинахон Иброхимжон қизи</b> Интерпретация гипотезы естественного порядка для узбекского языка.....	45
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> List of published works Список опубликованных работ.....	49

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДАХМЕДОВА ОДИНАХОН ИБРОХИМЖОН ҚИЗИ**

**ТАБИИЙ ТАРТИБ ГИПОТЕЗАСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИ УЧУН  
ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil1036 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азимова Ирода Алишеровна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдушукуров Бахтиёр Бўранович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Сайидирахимова Насиба Сайидмамадовна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)); e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz))

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Сирожиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.У.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**Н.М.Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалий тилшунослиги ҳамда психолингвистика соҳаларида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб тил ўзлаштириш жараёнида универсал лингвистик тамойилларнинг мавжудлигини тадқиқ этиш етакчи йўналишлардан бирига айланди. Тил ўзлаштиришда қўшимчалар тартибини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тартибни аниқлаш орқали тилнинг биринчи (она тили) ҳамда иккинчи тил (чет тили) сифатида ўзлаштирилишини тадқиқ этиш долзарб масала сифатида кун тартибидан ўрин олди.

Дунё тилшунослигида тил ўзлаштириш асосан бихевиористик, нативистик, когнитив жиҳатдан ўрганилади. Маълумки, тил ўзлаштириш – мураккаб ва кўп қиррали жараён. Тилни эгаллашда тил ўзлаштириш ҳамда тил ўрганиш турли жараёнларни тавсифлаши, тил ўзлаштириш учун зарурий шартлар, она тили ҳамда иккинчи тилни ўзлаштиришда иштирок этувчи механизмларни аниқлаш, тил ўзлаштиришда нутқнинг идрок қилиниши ва нутқнинг ифодаланиши ўртасида юзага келувчи муносабатларни белгилаш, муайян тилдаги қўшимчаларнинг она тили ва иккинчи тил сифатида ўзлаштирилишида кечувчи жараёнларни ўрганиш орқали аниқ хулосаларга келиш тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда илм-фан соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг мавқеини янада кўтариш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол қўлланилишини таъминлаш бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар ўзбек тилини илмий ўрганишни янги босқичга кўтариш заруратини юзага келтирди. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”лиги<sup>1</sup> ўзбек тилшунослари ҳал қилиши лозим бўлган қатор вазифаларни белгилаб берди. Ўзбек тилида қўшимчаларнинг ўзлаштирилиш тартибини аниқлаш, уларнинг тартибига таъсир қилувчи омилларни белгилаш, тартибдаги қўшимчаларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш амалий ечимини кутаётган долзарб муаммолардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь, 258-сон.

“Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида Ж.Берко, К.Казден, Р.Браун, Э.Бейтис, Ж.Ранкин, М.Перрони, С.Гаммон, Г.Оларте, А.Аксу, Д.Слобин, Э.Кларк, У.Стефани, М.Воекова кабилар томонидан тил ўзлаштириш ва унинг назарий асослари, она тилида морфемаларнинг ўзлаштирилиши, кўшимчалар тартибига таъсир қилувчи омиллар каби масалалар турли тиллар доирасида ўрганилган<sup>2</sup>. Ж.Виллиерс ҳамда П.Виллиерс, Н.Баилей, Ҳ.Дулай, М.Бурт, К.Ҳакута, С.Крашен, Р.Эллис, Ж.Хуанг, Ж.Ивасаки, С.Гасс, Л.Селинкер, А.Кочкун каби тадқиқотчилар томонидан иккинчи тилда морфемаларнинг ўзлаштирилиши, тартибга таъсир этувчи хусусиятлар ва уларнинг назарий асослари тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Berko, J. (1958). The Child's Learning of English Morphology. *Word*.14 (2-3) –P.150-177. <https://doi:10.1080/00437956.1958.11659661>; Cazden, C. (1968) The acquisition of noun and verb inflections. *Child development*, 39. – P.433-448.; Brown, R. A first language: The early stages. Cambridge, MA: Harvard University Press. 1973. – 437 pp.; Bates, E., Rankin, J. (1979). Morphological development in Italian: connotation and denotation. *Journal of Child Language*. – P.29-52.; Perroni, M., Gammon, C. (1979). The acquisition of inflections in Portuguese: A study of the development of person markers on verbs. *Journal of child language*. – P.53-67.; Olarte, G. Acquisition of Spanish by Monolingual, Monocultural Spanish Speaking Children // A Dissertation... for the Degree of Doctor of Philosophy. University of Florida, 1985. – 109 pp.; Aksu, A., Slobin, D. (1986) A psychological account of the development and use of evidentials in Turkish. In *Evidentiality: the linguistic coding of epistemology*, ed. W. Chafe and J. Nichols. –P.159–167.; Clark, E. *First Language Acquisition*. Second edition. Cambridge University Press. The Edinburgh Building, Cambridge CB2 8RU, UK. – 504 pp.; Development of Nominal Inflection in First Language Acquisition // A Cross-Linguistic Perspective. Edited by Stephany, U., Voeikova, M. 2009. – 448 pp.

<sup>3</sup> De Villiers, J., De Villiers, P. (1973) A cross-sectional study of the acquisition of grammatical morphemes in child speech. *Journal of Psycholinguistic Research*, 2. – P. 267-278. <https://doi:10.1007/BF01067106>; Bailey, N., Madden, C., Krashen, S. D. (1974) Is there a “natural sequence” in adult second language learning? *Language Learning*, 24(2). – P.235–243.; Dulay, H.C., Burt, M. K. (1974) Natural sequences in child second language acquisition. *Language Learning*, 24(1). – P.37–53. <https://doi.org/10.1111/j.1467-1770.1974.tb00234.x>; Hakuta, K. (1978) A report of the development of the grammatical morphemes in a Japanese girl learning English as a second language. In E.M. Hatch (Ed.), *Second Language Acquisition: A book of readings*. – P.132-147. Rowley, MA: Newbury House; Krashen, S. *Principles and Practice in Second Language Acquisition*. New York: Pergamon Press. 1982. – 209 pp.; Ellis, R. (1994) *The study of second language acquisition*. Oxford, England: Oxford University Press. – 824 pp.; Hwang, J. Acquisition hierarchy of Korean as a foreign language. Dissertation...for the Degree of Doctor of Philosophy, Korea, December, 2002. – 162 pp.; Iwasaki, J. The acquisition of Japanese as a second language and Processability Theory: A longitudinal study of a naturalistic child learner // A thesis submitted in fulfilment of the requirements of the award of Doctor of Philosophy, Edith Cowan University, December 2004. – 372 pp.; Gass, Susan M., Selinker, L. (2008) *Second Language Acquisition*. Routledge 270, Madison Ave, New

Рус тилшунослигида А.Леонтьев, А.Шахнарович, Л.Выготский, А.Гвоздев, С.Цейтлин каби тадқиқотчилар бола нутқининг ривожини, тил ўзлаштиришнинг психолингвистик муаммолари, болада она тилини ўзлаштириш жараёнининг кечиши билан боғлиқ масалалар, қозоқ тилшунослигида А.Алдабердикизи, Р.Абдиева, Ж.Ногайбаева, Л.Тогзанова, А.Шинибаеваларнинг тадқиқотларида қозоқ тилининг она тили сифатида ўзлаштирилиши билингвал болаларда текширилган, қолаверса, қозоқ тилининг иккинчи тил сифатида ўзлаштирилишига оид масалалар кўриб чиқилган<sup>4</sup>.

Ўзбек тилшунослигида М.Исмаилов, О.Умархўжаева, Н.Сайидирахимова, Г.Искандарова ҳамда М.Курбоновалар томонидан амалга оширилган қатор тадқиқотларда ўзбек тили она тили сифатида тадқиқ этилган бўлиб, уларда мактабгача ёшдаги болалар нутқининг фонетик ҳамда грамматик хусусиятлари, болаларда нутқ маҳсулининг пайдо бўлиши ва шаклланиши, бола нутқий фаолиятида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти, шунингдек, боланинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқ масалалар лингвистик, социолингвистик, психолингвистик, прагматингвистик нуқтаи назардан кўриб чиқилган<sup>5</sup>. Бундан ташқари, Л.Мирджалолова, Р.Йўлдошев, Ф.Умарова, Г.Мухамеджанова, Г.Аҳмедова, М.Қараходжаева, С.Адилова, Х.Мухитдинова, Д.Фаттахова, Г.Асилова каби тадқиқотчиларнинг монография ва диссертацияларида таълим тизимининг турли босқичларида ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тилини ўқитиш масаласи турли аспектларда ўрганилган<sup>6</sup>. Шунга қарамай, она тили ҳамда иккинчи тил сифатидаги ўзбек

---

York, NY 10016. – 612 pp.; Kochkun, A. The second language acquisition of inflectional morphology in Turkish // A thesis submitted for degree of Master of Arts, Bog‘azichi University, 2018. – 95 pp.

<sup>4</sup> Леонтьев А. А. Язык, речь, речевая деятельность. – Москва, 1969. – 214 с.; Шахнарович А. М. Психолингвистические проблемы овладения общением в онтогенезе // Теоретические и прикладные проблемы речевого общения. – Москва, 1979. – 328 с.; Выготский Л.С. Мышление и речь/ Собр. соч. – Москва, 1982. – 352 с.; Гвоздев А. Н. От первых слов до первого класса: Дневник научных наблюдений. – Саратов, 1981. – 324 с.; Цейтлин С. Н. Язык и ребенок. Освоение ребенком родного языка. – Москва: Владос, 2017. – 240 с.; Aldaberdiyzy A. Lexical interferences of Kazakh-Russian bilingual children of preschool age: A sociolinguistic survey/ Procedia – Social and Behavioral Sciences 93 (2013). – P.1885-1888.; Abdyeva R.S., Nogaybaeva J.A., Togzhanova L.K., Shynybaeva A.S. Kazakh language acquisition and translation from a foreigners perspective: a case study with English-speaking residents/ <https://www.science-sd.com/462-24896>.

<sup>5</sup> Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекского-русского раннего двуязычия). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1988. – 23 с.; Умархўжаева О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – Б.52-53.; Сайидирахимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Филол.фан.номз...дис. – Тошкент, 2004. – 126 б.; Искандарова Г. Болалар нутқига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек филологиясига оид тадқиқотлар: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2009 –Б.200-203.; Курбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. Филол.фан.номз...дис. – Тошкент, 2009. – 154 б.; Курбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари. Филол.фан. док...дис. – Тошкент, 2018. – 240 б.

<sup>6</sup> Мирджалолова Л.Р. Ўзбек тили машгулотларида болаларни савол-жавобга ўргатишнинг назарий-методик асослари (таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган болалар боғчалари мисолида): Пед.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 2002. – 22 б.; Кадырова Ф.Р. Лингводидактические основы обучения детей дошкольного возраста второму языку (на материале русского и узбекского языков): Дис.докт.пед.наук. – Тошкент, 2006. – 360 с.; Умарова Ф.З. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида кўмакчи феълли бирикувлардан фойдаланишни ўргатиш: Пед.фан.номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.; Мухамеджанова Г.З. Дарсдан ташқари машгулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9 синфлар мисолида): Пед.фан.номз. ...дис. – Навоий, 2003. – 162 б.; Аҳмедова Г.М. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ясама сўзлар билан бойитишнинг методик

тилининг қўшимчалар ўзлаштириш кетма-кетлиги масаласи бўйича махсус тадқиқот яратилмаган. Зеро, қўшимчаларнинг ўзлаштириш тартибини аниқлаш тил ўзлаштириш жараёнида универсал лингвистик принциплар ишлаши тўғрисида аниқ ва батафсил тасаввур ҳосил қилиш имкониятини яратади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Психоллингвистика – ўзбек тилининг ўзлаштирилиши ҳамда ўзбек тилидаги нутқий фаолиятнинг ўзига хослигини аниқлаш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилининг она тили ҳамда иккинчи тил сифатида ўзлаштирилишида қўшимчалар тартибини ҳамда қўшимчалар тартибини юзага келтирувчи ва унга таъсир этувчи лингвистик ҳамда экстралингвистик омилларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек тилининг она тили сифатида ўзлаштирилиш жараёнини тавсифлаш, тил ўзлаштиришнинг тил ўрганишдан фарқли ҳодиса эканини асослаш;

илмий тадқиқотлардаги табиий тартиб гипотезасининг турли тиллардаги талқинига оид муҳим жиҳатларни ёритиш;

тил ўзлаштиришдаги универсал лингвистик тамойиллар механизмининг ўзбек тили учун ишлашини текшириш;

она тили ҳамда иккинчи тил сифатида ўзбек тили қўшимчаларининг ўзлаштирилиш жараёнини кузатиш, тажриба ўтказиш ҳамда қўшимчалар тартибини аниқлаш;

она тили ҳамда иккинчи тил сифатида ўзбек тили қўшимчаларининг ўзлаштириш тартибини юзага чиқарувчи хусусиятларни аниқлаш, уларнинг тартибни воқелантиришдаги аҳамиятини баҳолаш ҳамда тажриба натижаларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ўзбек тилини она тили сифатида ўзлаштираётган болалар ва ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўзлаштираётган чет эллик ҳамда Ўзбекистонда яшовчи рус миллатига мансуб талабалар нутқидаги тил кўрсаткичлари ташкил этади.

---

асослари: Пед.фан.номз. ...дис. – Тошкент, 2007. – 162 б.; Караходжаева М.Х. Нофилологик гуруҳ талабаларининг касбий нутқини феъл асосида шакллантириш методикаси: Пед.фан.номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 22 б.; Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологияси воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед.фан.номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2004. – 26 б.; Мухитдинова Х.С. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш: Пед.фан.док...дис. – Тошкент, 2011. – 347 б.; Фаттахова Д.А. Методика обучения средствам речевой выразительности узбекского языка русскоязычных студентов языковых вузов: Автореф.дис. ...канд.пед.наук. – Тошкент, 2012. – 22 с.; Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2012. – 112 б.; Асилова Г.А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида): Пед.фан.док...дис. – Тошкент, 2017. – 291 б.



**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тилининг ўзлаштирилишидаги кўшимчалар кетма-кетлиги ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда тавсифий, тажриба-кузатув, компонент таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида тажриба-кузатув материаллари асосида кўшимчаларни ўзлаштириш тартиби аниқланган ва синтактик (кўшимчанинг асосга қўшилиб, кесимлик ҳосил қилиши ёки қилмаслиги), семантик (маънонинг бир ёки бирдан ортиқ эканлиги), шаклий мураккаблик (морфеманинг асос таркибида яқка ёки ёндош кўшимчалар билан биргаликда келиши) ҳамда кўшимчанинг қўлланиш частотаси тартибни юзага чиқарувчи омиллар сифатида аниқланган;

кўшимчаларнинг она тили элементи сифатида ўзлаштирилишида дастлаб отга қўшилиб, аввал ҳукм ифодалай оладиган морфемалар ўзлаштирилиши, ўзбек тилини она тили сифатида ўзлаштираётган болаларнинг нутқида дастлаб баъзи турловчи, кейинроқ эса тусловчи кўшимчаларнинг пайдо бўлиши, бола нутқида замон шакллари пайдо бўлгунига қадар ўрин-пайт, жўналиш ҳамда эгалик кўшимчасининг воқеланиши далилланган;

ўзбек тилида *-ди* ўтган замон кўшимчаси бошқа замон шаклларида аввалроқ ўзлаштирилиши, болалар нутқида феълни ўтган замонда туслашга мойиллик кузатилиши, замонни белгилашда биринчи дуч келинадиган ҳолат ҳозирги ва ўтган давр орасидаги қарама-қаршилик бўлиши ва бола, асосан, ўтмишдаги ҳаракатларни белгилаши асосланган;

ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўзлаштираётган турли тил эгаларининг кўшимчаларни ўзлаштириш тартиби ўхшаш экани тажриба-кузатув материаллари орқали далилланган, кўшимчалар ўзлаштирилишининг бошланғич босқичида она тилининг таъсири сезиларли даражада юқори бўлмаслиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги кўшимчаларни ўзлаштириш тартиби узоқ муддатли тажриба-кузатув давомида аниқланган ҳамда тартибда мавжуд кўшимчалар лингвистик таҳлил қилинган;

кўшимчаларни ўзлаштириш тартибига синтактик, семантик, шаклий ифода ҳамда кўшимчанинг қўлланиш частотаси каби омилларнинг таъсири илмий жиҳатдан асосланган;

тил ўзлаштириш жараёнида кўшимчалар кетма-кетлигига таъсир қилувчи лингвистик ҳамда экстралингвистик омилларнинг аҳамияти очиқ берилган;

она тили кўшимчаларининг ўзлаштирилишида ёш кўрсаткичи нисбий эканлиги далилланган;

ўзбек тилидаги кўшимчаларнинг ўзлаштирилишида гендер тафовут сезиларли даражада кузатилмаслиги аниқланган;

тил ўзлаштиришнинг бошланғич қисмида тил ўзлаштирувчининг она тили кўшимчаларни ўзлаштириш тартибига салмоқли таъсир қилмаслиги

Ўзбек тилининг чет тили сифатида ўзлаштирилиши мисолида ҳам исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда танланган муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материаллар таҳлили орқали асосли илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги, ўзбек тилининг она тили ҳамда чет тили сифатида ўзлаштирилиши узоқ муддатли тажриба-кузатувнинг статистик таҳлили орқали ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти психолингвистика фанини ўзбек тилини она тили ҳамда чет тили сифатида ўзлаштиришда қўшимчаларнинг тартиби ҳақидаги илмий-назарий қарашлар орқали бойиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги материаллар, натижа ва хулосалар умумий тилшунослик, психолингвистика фанларини ўқитишда, ўзбек тилини она тили ҳамда иккинчи тил сифатида ўқитиш бўйича дарсликлар яратишда, бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларида: психолингвистика, социоллингвистика, прагматлингвистика, нейролингвистика каби фанларни ўқитишда манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Табиий тартиб гипотезасининг ўзбек тили учун талқини юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқот предмети сифатида белгиланган қўшимчаларнинг кетма-кетлиги ҳамда қўшимчаларни ўзлаштириш тартибига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 15 май 125-сонли буйруғи асосида эълон қилинган UNICEF билан ҳамкорликдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш сифатини ошириш” лойиҳасининг 1-босқичи: Она тили, Ўзбек тили ва Адабиёт фанларининг ўқув-методик материалларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 2 июлдаги 01/11-01/01-928-сон маълумотномаси). Натижада, Она тили, Ўзбек тили ва Адабиёт фанларининг ўқув-методик материаллари янги илмий-назарий маълумотлар билан бойиган;

ўзбек тилидаги қўшимчаларнинг лингвистик таҳлили, қўшимчаларни ўзлаштириш тартибига таъсир қилувчи семантик, шаклий мураккаблик ва қўшимчанинг қўлланиш частотаси каби хусусиятларга оид илмий хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган “Development of the interdisciplinarity Master program on Computational Linguistics at Central Asian Universities” номли ERASMUS CLASS лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 6 сентябрдаги 01/4-1463-сон маълумотномаси). Натижада, Лойиҳа доирасида бажарилган силлабуслар ҳамда тайёрланган дарслик қўшимчаларнинг лингвистик таҳлили билан тўлдирилишига асос бўлган;

бола нутқида фаол қўлланиувчи қўшимчалар, ўзбек тилини чет тили сифатида ўзлаштираётган чет эллик талабалар нутқидаги қўшимчаларнинг лингвистик таҳлили ҳақидаги илмий-назарий маълумотлардан Ўзбекистон

Миллий телерадиокомпаниясида “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатилган илмий-маърифий кўрсатувлар, хусусан, “Oydin hayot live”, “Ta’lim va taraqqiyot” кўрсатувларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 5 июлдаги 02-13-1130-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу телекўрсатувларнинг мазмуни илмий далиллар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 4 та республика ҳамда 6 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг асосий матни 143 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Тил ўзлаштириш психолингвистик жараён сифатида**” деб номланган. Бобнинг “Тил ўзлаштирилишининг илмий йўналиш сифатида шаклланиши” номли биринчи фаслида тил ўзлаштириш жараёнининг тарихи тавсифланган. Тил ўзлаштиришга оид илк қарашлар юнон фалсафасига бориб тақалади. Афлотун сўзлар туғма равишда у ёки бу шаклда намоён бўлиши ҳақидаги ғояни илгари сурган<sup>7</sup>. Кейинроқ эмпирик тадқиқотчилар Т.Хоббс ҳамда Ж.Локк тил ўзлаштириш ҳиссий тажриба орқали амалга ошади, деган фикрга келишган, яъни уни эгаллаш туғма тарзда бўлмай, балки ижтимоий муҳитда “орттирилади”, шаклланади<sup>8</sup>. Тил ўзлаштиришга доир дастлабки илмий ёндашув В.фон Гумбольдт номи билан боғлиқ. Унинг фикрича, тил пайдо бўлишининг энг биринчи сабаби инсоннинг ички эҳтиёжи, яъни олам ва бошқа шахслар билан муносабатга киришишидир<sup>9</sup>. А.Потебня кичик ёшдаги боланинг лампочкани “тарвуз” деб

<sup>7</sup>Innateness and Language. Stanford Encyclopedia of Philosophy. 2017. <https://plato.stanford.edu/entries/innateness-language/#chocasagaski>

<sup>8</sup> Kendra A. P. (2009). Understanding Human Language: An In-Depth Exploration of the Human Facility for Language. <http://www.inquiriesjournal.com/articles/82/understanding-human-language-an-in-depth-exploration-of-the-human-facility-for-language>

<sup>9</sup> Usmanova Sh. Psixolingvistika fanidan ma’ruzalar kursi. Toshkent, 2008. – B.7.

аташига эътибор қаратади, боланинг шакл ўхшашлиги асосида шу нарса-предметнинг бошқа нарса-предмет номи билан аташи<sup>10</sup> илмий жамоатчилик орасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Шу тариқа, бола нутқининг ривожини масаласини ўрганиш янги босқичга кўтарилди.

Тилшунослик доирасида бола нутқининг (онтолингвистика) алоҳида фан йўналиши сифатида шаклланиши рус тилшунослигида XX асрнинг 20-йилларида содир бўлди. Бунга Б.де Куртенэнинг илмий жамоатчиликлари муурожаат қилиб, болаларнинг нутқ фаолиятини алоҳида ўрганиш таклифи билан чиққани сабаб бўлди. Б.де Куртенэ фикрича, инсон тилининг моҳияти фақат психикдир, тилнинг ривожланиши соф психик қонуниятлар билан боғланган<sup>11</sup>. Унинг фикрларини Л.Выготский ривожлантирди. Тафаккур ва нутқ турли генетик илдизларга эга, тафаккур ақлий фаолият, нутқ эса овозли сигнал орқали ҳиссий ифодаланиш билан боғлиқ. Нутқ тафаккурни юқори ақлий функцияга айлантирадиган белги бўлиб, у фикрлаш асоси бўлиб хизмат қилади<sup>12</sup>.

XIX асрнинг 60-70-йилларида психоллингвистиканинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланиши нутқ онтогенезини ўрганишга бўлган қизиқишни янгилади. Айнан шу пайтда Ғарбда ушбу масалалар жиддий ўрганила бошланди. Рус тилшунослигида тил ўзлаштириш жараёнининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса, Ғарбда бевосита бола нутқини ривожини кузатиш орқали илмий тадқиқотлар юзага келди. Тадқиқотларда бола нутқининг ўртача давомийлиги, нутқ қисмлари, муайян нутқдаги сўзлар сонига аҳамият қаратилди. Белгиланган вақт оралиғида бола нутқини ривожини кузатиш орқали олинган материаллар таҳлилга тортилди. Изланишларнинг аксарияти 1–3 ёшда бўлган болалар нутқини ривожини ўрганиш: фонетик, лексик ҳамда морфологик бирликларни ўзлаштириш муаммоларига бағишланди.

Тил ўзлаштириш масаласини ўрганишда тажриба-кузатув асосий усул сифатида танлаб олинди. Тажриба-кузатувда тил бирликларининг мураккаблик даражаси ривожини, тил ўзлаштиришда аниқлик ва изчиллик меъёрларини аниқлаш ҳамда ўзлаштирилаётган имплицит ва эксплицит билимларни аниқлашга қаратилган турли тестлар бу усулнинг шу соҳадаги ўзига хослигини белгилайди<sup>13</sup>.

“Тил ўзлаштиришга доир турли назариялар” деб номланган иккинчи фаслда бихевиоризм, нативизм, когнитив назарияларининг тил ўзлаштириш жараёнини тавсифловчи аҳамияти ёритилган.

Бихевиоризм назариясига кўра, тил тақлид орқали ўзлаштирилади, бола она тилини атроф-жамиатдан уларга тақлид қилиш орқали эгаллаб боради<sup>14</sup>. Ф.Скиннер бу жараённи оперант ривожини деб тавсифлайди, бола катталарга ўхшаш товушларни чиқарганда, бу катталар томонидан рағбатлантирилса,

<sup>10</sup> Потебня А. А. Мысль и язык. – Киев, 1993. – С.38.

<sup>11</sup> Глухов В.П. Основы психоллингвистики. – Москва, 2008. – С. 14.

<sup>12</sup> Выготский Л. С. Мышление и речь. Изд. 5, испр. – Москва, 1999. – С. 52.

<sup>13</sup> House, A., Kuiken, F., Vedder, I. Complexity, accuracy and fluency: Definitions, measurement and research. – Amsterdam, 2012. – P. 17.

<sup>14</sup> Ellis, R. The study of second language acquisition. Oxford, England, 1994. – P.116.

болада бу одат сақланади ва у сўзни яна шундай вазиятларда ишлатишни такомиллаштириб боради ёки аксинча, бола нутқидаги товушлар катталар томонидан рағбатлантирилмаса, унда шу товушларни айтиш одати нутқий кўникмага айланмайди<sup>15</sup>.

Бихевиористик назария асосида иккинчи тилни ўзлаштириш масаласида қиёсий таҳлил гипотезаси юзага келди. Унга кўра, эгалланган биринчи тил иккинчи тилнинг осон ёки қийин ўзлаштирилишига таъсир қилади. Бироқ бу назария иккинчи тилни ўзлаштиришнинг бир қисми, яъни янглиш таҳлилнинг ўзи билангина чекланди, тил ўзлаштириш жараёнидаги ўсишни тушунтириб бера олмади<sup>16</sup>.

Н.Хомский ижтимоий муҳит аҳамиятини эътироф этгани ҳолда тил ўзлаштиришни биологик асосларга боғлади. Унинг фикрича, тилни ўзлаштириш учун “туғма” махсус механизм (универсал грамматика) мавжуд<sup>17</sup>. У тилларнинг инвариант ва вариант хусусиятларини кодлайдиган принциплар ва параметрларни ўз ичига олади. Принциплар барча тиллар учун бирдек тегишли бўлса, параметрлар турли тилларда турлича ўрнатилади. Иккинчи тилни ўзлаштиришда “туғма” механизмларнинг мавжудлиги баҳсли масала ва ҳозирда ҳам бу муҳокамалар давом этмоқда.

Когнитив назария туғма механизмни семантика билан боғлайди. Болалар атрофдаги “манзара”ни идрок қилиш орқали тил “харита”сини тузадилар. Ж.Пиаже куйидаги мисолни келтиради: бола мушукни – унинг шакли, ҳаракатлари, овқатланиши ва товуши асосида яхлитлайди, сўнгра уни “мушук” сўзи билан боғлайди. У атрофдаги нарса-ҳодисани унинг хусусиятлари орқали яхлитлайди, сўнгра ушбу тушунчани ифодалаш учун сўз ёки сўз бирикмасига эга бўлади. Бунда тил муҳити таъсирининг сезиларли экани таъкидланади<sup>18</sup>.

Сўнги йилларда нейролингвистика соҳасидаги тадқиқотлар лингвистик универсалия назариясига қизиқишнинг ортишига олиб келди. Янги туғилган чақалоқ миясида тил ўзлаштириш учун махсус “қисм”нинг аниқланиши<sup>19</sup> эса нативизм ҳамда когнитив назария тарафдорлари орасида турли баҳслар келтириб чиқармоқда.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “Табиий тартиб гипотезаси ва унинг турли тиллар учун талқини” деб номланган. Табиий тартиб гипотезаси тил бирликларининг муайян тартибда ўзлаштирилиши ҳақидаги фикрни олға суради. Бу гипотезага кўра, тил ўзлаштиришда муайян кўшимча бошқа кўшимчадан аввалроқ ўзлаштирилади<sup>20</sup>.

<sup>15</sup> Demirezen, M. (1988). Behaviorist theory and language learning. Hacettepe Üniversitesi Eğitim Fakültesi Dergisi, 3 (3). Retrieved from <https://dergipark.org.tr/tr/pub/hunefd/issue/7834/103129n>

<sup>16</sup> De Villiers, J., De Villiers, P. A cross-sectional study of the acquisition of grammatical morphemes in child speech. Journal of Psycholinguistic Research, 2. 1973. –P.267-278.

<sup>17</sup> Chomsky, N. Aspects of the Theory of Syntax. MIT Press, 1965. – P. 46.

<sup>18</sup> Пиаже Ж. Схемы действия и усвоение языка // Семиотика. – Москва, 1983. – С. 135.

<sup>19</sup> Caraballo-Olivera, Michael A. A theory of neurological processes in language acquisition: A quantitative meta-analysis. Dissertation submitted in partial fulfillment of the requirement for the degree of Doctor of Philosophy. Walden University, 1994. – P.31.

<sup>20</sup> Krashen, S. Principles and Practice in Second Language Acquisition. – New York, 1982. – P.13.

Р.Браун морфемаларни ўзлаштириш ривожига бағишланган тадқиқотида инглиз тили она тили бўлган 3та боланинг (болалардан бири 18 ойлик, қолган иккитаси 27 ойлик) нутқини 10-12 ой давомида кузатган ҳамда 14та морфемани ўзлаштириш тартибини аниқлаган. Р.Брауннинг тадқиқотига асосланиб, Ж.Виллиерс ва П.Виллиерслар 16-40 ойлик 21та бола билан бир марталик тажриба ўтказишган. Улар болаларнинг берган жавобларида муайян қўшимчанинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашга уринганлар<sup>21</sup>. Ушбу тадқиқотдан кейин морфемаларни ўзлаштириш қаторини аниқлашда икки усул: муайян вақт оралиғида қўшимчаларнинг нутқда воқеланиш ривожини кузатиш ҳамда бир марталик тажриба-синов асосида нутқдаги ҳар бир морфема фоизининг ўртача ҳисоби аниқланиб, уларни тартиблаш усули юзага келди.

Х.Дулай ва М.Бурт табиий тартиб масаласи чет тилини ўзлаштиришга ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлашади<sup>22</sup>. Тадқиқотчилар инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўзлаштираётган болалар билан синов ўтказишган ҳамда инглиз тилининг она тили ва иккинчи тил сифатида ўзлаштирилишида морфемалар тартиби ўхшаш эканлигини аниқлашди. А.Фатҳман 20та турли матнлар орқали тажриба ўтказиб, болалар ва айниқса, ўсмирларда чет тилини ўзлаштириш она тилидагидек қўшимчалар ўзлаштирилиши билан ўхшаш эканлигини асослади<sup>23</sup>. Шу тариқа, биринчи ва иккинчи тилни ўзлаштириш соҳасида бу гипотеза билан боғлиқ қатор тадқиқотлар юзага келди. Тадқиқотлар натижалари морфемалар ўзлаштиришнинг умумий кетма-кетлиги фойдасига етарлича далиллар беради. Шу билан биргаликда, ҳеч бир таҳлилда тилни биринчи ва иккинчи тил сифатида ўзлаштиришда қўшимчалар тартибининг ўзаро муқаммал боғлиқлиги ҳақида маълумот йўқ, ўзлаштириш жараёнида тафовутлар мавжуд, бироқ бу тартибнинг мавжуд эмаслигини англатмайди.

**“Ўзбек тилининг она тили сифатида ўзлаштирилишида табиий тартиб”** деб номланган иккинчи бобнинг биринчи фасли “Ўзбек болалар нутқининг ўрганилиши” деб аталади. Бу фаслда ўзбек тилшунослигида мактабгача ёшдаги болалар нутқи ўрганилиши ҳамда мавжуд тадқиқотларга муносабат билдирилган. Ўзбек тилшунослигида ҳозирга қадар қўшимчалар ўзлаштириш тартибини аниқлаш масаласи махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Тил ўзлаштириш жараёнини тавсифлаш, қўшимчалар ўзлаштириш тартибига таъсир қилувчи хусусиятларни аниқлаш ўзбек тилшунослиги олдида турган вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Бобнинг иккинчи фасли “Табиий тартиб гипотезасининг тажрибавий татбиқи” деб номланиб, ўзбек тилидаги қўшимчаларнинг она тили сифатида қай тартибда ўзлаштирилишини аниқлаш мақсадида икки турдаги тажриба-

<sup>21</sup> De Villiers, J., De Villiers, P. A cross-sectional study of the acquisition of grammatical morphemes in child speech. *Journal of Psycholinguistic Research*, 2. 1973. – P. 267-278.

<sup>22</sup> Dulay, H.C., Burt, M. K. Natural sequences in child second language acquisition. *Language Learning*, 24(1). 1974. –P.48.

<sup>23</sup> Fathman, A. The relationship between age and second language productive ability. *Language Learning*, 25(2). 1975. –P.245–253.

кузатув ўтказилди. Тажриба-кузатувга жисмоний ва руҳий соғлом ҳамда нутқи меъёрда ривожланаётган болалар танлаб олинди.

Биринчи тажриба-кузатувда Ўзбекистоннинг турли вилоятида истиқомат қилаётган ўзбек тилини она тили сифатида ўзлаштираётган 4 нафар: 2та қиз ва 2та ўғил бола (1.4; 2.0; 2.2; 2.9 ёшдаги<sup>24</sup>) танлаб олинди ва уларнинг кундалик нутқи 10–12 ой давомида кузатилди. Тажриба-кузатув давомида синалувчиларга биз томондан қўшимчалар тартибини аниқлашга қаратилган ҳеч қандай стимул берилмади. Синалувчиларнинг кундалик оғзаки нутқлари уларнинг яқин қариндошлари томонидан қайд этиб борилди. Кундалик нутқи қайд этилган синалувчилардан бирининг натижалари 1-жадвалда берилган. Жадвал боланинг муайян қўшимчани ҳар ойда нечта асос билан ишлатилгани ҳақида маълумот беради.

*1-жадвал. Ш.М. (2.0; Наманган вилояти)нинг нутқида учраган қўшимчалар (ҳар ой бўйича)*

Ойлар	-да	-га	а/й	-ники	-ди	-им	-дан	-лар	-яп	-ни	-нинг
1-ойда	1	1	1	1							
2-ойда	1	1		1	1						
3-ойда											
4-ойда	1	1		1	2						
5-ойда	1	1	1	1	1	1					
6-ойда	2	1			3	2	1				
7-ойда	4	3	2	2	6	4		2			
8-ойда	4	5	4	1	8	4					
9-ойда	3	4	7		13	4	3		1	2	2
10-ойда	5	4	10	3	12	7		2			3
11-ойда	4	3	10		14	6	5		1		2
12-ойда	4	4	8		12	6			1		2

Жадвалдаги рақамлардан кузатувнинг дастлабки ойларида бола нутқида ўрин-пайт, жўналиш келишиклари, отнинг хосланган шакли *-ники* ҳамда ўтган ва ҳозирги-келаси замон шакллари бир асос таркибида ишлатилгани

<sup>24</sup> Синалувчиларнинг ёши тажриба-кузатув бошланган пайтдаги ҳолатда берилди.

маълум бўлди. Бу қўшимчаларнинг бир асос таркибида қўлланиши кузатувнинг олтинчи ойигача давом этди. Тажриба-кузатувнинг олтинчи ойдан ўрин-пайт келишиги (*уйда, акада*) ҳамда *-(u)м* эгалик қўшимчаси (*абам (онам), акам*) икки асос, ўтган замон шакли эса уч асос таркибида (*бўлди, кетти, олдим*) ишлатилди. Тажриба-кузатувнинг кейинги ойларида бола нутқида учраган дастлабки қўшимчаларнинг турли асослар, хусусан, кузатувнинг тўққизинчи ойида ҳозирги-келаси замон шакли еттита асос билан қўлланган бўлса, кейинги ойларда шу замон шакли ўнта асос таркибида ишлатилди. Худди шундай ўсиш ўтган замон шакли билан ҳам кузатилди. Бола нутқида чиқиш, тушум ва қаратқич келишиклари ҳамда *-яп* ҳозирги замон шакли бошқа қўшимчаларга нисбатан кейин қайд этилганлиги аниқланди.

Иккинчи тажриба-кузатувга мактабгача таълим муассасаларидаги 50та (шулардан 27таси ўғил бола 23таси қиз бола) 1–4 ёшдаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари танлаб олинди. Тадқиқот учун ўн маротаба тажриба ўтказилди. Бунинг учун биз томонимиздан ўнта савол ва расмлар тўплами тузилди. Ўн ой давомида ҳар ойда бир маротаба синалувчилар билан савол-жавоб ўтказилиб, савол ва расмлардан фойдаланилди. Саволларга берилиши керак бўлган жавобларда муайян қўшимчадан фойдаланиш талаб этилади. Шу орқали боланинг нутқида қайси қўшимча бор ёки йўқлигини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Савол-жавоблар ҳар бир бола билан алоҳида ўтказилди ҳамда суҳбат мобил телефондаги махсус дастур орқали ёзиб олинди.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ўтказилган тажриба натижалари қўшимчаларнинг қўлланиш частотаси бўйича ҳисобланди. Тажриба-кузатув натижаларидан синалувчилар билан ўтказилган суҳбатларда жавобида талаб қилинган муайян қўшимчадан тўғри фойдаланилганлик миқдори умумий ҳисоб бўйича кўп бўлган *-га, -ники, -да, лар, -ди, -(u)м* қўшимчалари *юқори частотали*, умумий миқдорнинг тенг ярми ёки ундан биров ортиқ бўлган *-ни, -а/й, -яп* қўшимчалари *ўрта частотали*, умумий миқдорнинг тенг ярмидан кам бўлган *-нинг, -дан, -ман* қўшимчалари *паст частотали* қўшимча эканлиги маълум бўлди.

Тажриба-кузатувга мувофиқ, ўзбек тилида қўшимчаларни ўзлаштириш тартиби синтактик, семантик, шаклий мураккаблик ҳамда қўшимчанинг қўлланиш частотасига боғлиқ. Маъноси ҳамда шаклий ифодаси содда, қўлланиш частотаси юқори қўшимчалар аввал ўзлаштирилса, кўп маъноли, шакли мураккаб ҳамда паст частотали қўшимчалар нутқда кейинроқ намоён бўлади. Қўшимчалар тартибига таъсир қилувчи қилувчи хусусиятлар 2-жадвалда берилган.



2-жадвал. Қўшимчалар тартибига таъсир қилувчи хусусиятлар

№	Қўшимча	Ифода шакли	Семантик маъноси	Қўлланиш частотаси
1	-ники	От-кесим	Қарашлилиқ	Юқори
2	-да	От-кесим	Ўрин-жой	Юқори
3	-лар	От-кесим	Кўплиқ	Юқори/Паст
4	-(и)м	От-кесим	Эгалиқ, шахс ва сон	Юқори
5	-га	Тўлдирувчи+кесим (II шахс бирликдаги буйруқ майли)	Аталганлик	Юқори
6	-ди	Кесим (шахс ва сон билан биргалиқда)	Ўтган иш-ҳаракат	Юқори
7	-а/й	Кесим (шахс ва сон билан биргалиқда)	Ҳозирги-келаси иш-ҳаракат	Ўрта
8	-ни	Тўлдирувчи+кесим (II шахс бирликдаги буйруқ майли)	Ажратиш	Ўрта
9	-яп	Кесим (шахс ва сон билан биргалиқда)	Ҳозирги пайтда бажарилаётган иш-ҳаракат	Ўрта
10	-дан	Тўлдирувчи/ ҳол +кесим (буйруқ майли)	Чиқиш	Паст
11	-ман	От-кесим (шахс ва сон билан биргалиқда)	Отни кесимга хослаш, шахс ва сон	Паст
12	-нинг	Қаратқич аниқловчи +эга (ёки иккинчи даражали бўлак)	Қарашлилиқ	Паст

Юқоридаги жадвалдан қўшимчалар ўзлаштириш тартибининг шаклланиши бир неча омилларга боғлиқлиги маълум бўлади. Қўшимчалар

ўзлаштирилишининг бошланғич босқичида асосга қўшилиб, ҳукм ифодалашда иштирок этувчи, кейинги босқичда иккинчи даражали бўлақлар билан кенгайиб келган кесим, кейинги босқичда эса қаратқич бирикма билан кенгайган кесим таркибида келувчи қўшимчалар ўзлаштирилади.

Қўшимчанинг маъно мураккаблиги қўшимчалар тартибланишига таъсир қилади. Масалан, отнинг хосланган шакли *-ники* қўшимчаси асосга қўшилиб, қарашлилик маъносини ифодалайди, исмлар таркибида келиб, шахс ва сонда турланмайди; эгалик қўшимчалари асосга қўшилиб, қарашлилик маъноси билан биргаликда, шахс ҳамда сон маъноларини ҳам ифодалайди. Шу сабаб *-ники* шакли эгалик қўшимчаларидан аввалроқ ўзлашади.

Тил ўзлаштиришнинг дастлабки вақтларида болага сўз таркибидаги қўшимча сонининг бирдан ортиқ экани ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштириш кераклиги, яъни шаклий мураккаблик ҳам қийинчилик туғдиради. Масалан, феълни кесим сифатида шакллантириш боладан ҳам замон, ҳам шахс-сон шакллари мувофиқлаштиришни талаб қилади.

Қўшимчанинг қўлланиш частотаси тартибнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. *-лар* кўплик қўшимчасининг қўлланиш частотаси нутқи доимий кузатилган болаларда паст кўрсаткични ташкил этади, гарчи унинг умумий грамматик маъноси битта, синтактик структураси содда бўлса-да, “синтактик вазифадан ҳоли” эканлиги тартибда унинг отнинг хосланган шакли ҳамда ўрин-пайт келишигидан кейин келишига сабаб бўлади.

